
UZA
O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ
(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)
2021 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр

2021 йил феврал ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎзА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар "Microcoft Word" редактори, "Times New Roman" шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Ҳусанов	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

хусусида.....163
У.К.АМЕТОВА. Кубравийлик адабиёти анъаналари ва Абулвафо Хоразмийнинг ирфоний-бадиий ижоди.....173
Н.Р.ЮСУПОВА. Миқдор майдони таркибига доир айрим қарашлар.....181
Д.Р.САЙИПОВА. «Бобурнома»да давр ижтимоий-сиёсий ҳолати тасвири.....193
Б.М.БЎРОНОВА. Таржимада эскирган сўзлар ўгирмасидаги баъзи ютуқ ва камчиликлар ("Юлдузли тунлар" романининг туркман тилидаги таржимаси мисолида).....202
И.Н.КАМОЛОВ. Фриц Вюртле талқинида Бобур образи.....211
Н.ЖЎРАҚУЛОВА. Халқ оғзаки ижодиётида эр ва эран образининг маънавий-бадиий хусусиятлари.....221

Тарих

Д.Х.ГАДОЕВ. Хўжа Зайниддин масжиди тарихий обидасида қадимги қурилиш анъаналари.....235

Фалсафа

Д.Ҳ.ҚОДИРОВ. Абу Ҳомид Ғаззолий асарларидаги тасаввуф лексикаси.....242

Техника

Ҳ.Н.ЗАЙНИДИНОВ, С.У.МАХМУДЖАНОВ. IoT архитектураси, қўлланилиш соҳалари ва тиббиётга тадбиқ этиш.....250
Ф.У.КАРШИЕВ. Результаты исследования размерно-массовые характеристики, усилие разрыва и изгиба-излома грубых кормов.....265

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, февраль сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЁТИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИНИНГ МАЪНАВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Насиба ЖЎРАҚУЛОВА
магистр
Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек халқ достонларидаги Эр ва Эран образининг бадиий мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. Халқ достонларидаги Эр образининг туб илдизи ҳақида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш жараёнидаги хулосалар баён қилинган.

Таянч сўзлар: Эр, эран, пир, авлиё, нафс, рух, ориф, соқий, майхона, маърифат, муршид, миллат.

ДУХОВНО-ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ СВОЙСТВА ОБРАЗОВ ЭРА И ЭРАНА В УСТНОМ НАРОДНОМ ТВОРЧЕСТВЕ

Насиба ЖУРАКУЛОВА
магистр
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация

В данной статье уделяется особое внимание художественному содержанию образов Эра и Эрана в народных дастанах. Изложены выводы по изучению источников, содержащих сведения о корнях образа Эра в народных дастанах.

Ключевые слова: Эр, эран, духовный наставник, святой, страсть, дух, ученый, виночерпий, ориф, соқий, майхона, питейный дом, просвещение, наставник, нация.

Халқ оғзаки ижоди миллат маънавияти, иймон-эътиқоди, орзу-армонларини акс эттирувчи бебаҳо санъатдир. Зеро, фольклорда аждодларнинг самимий ҳислари, ҳассос кечинмалари, бир сўз билан айтганда, каҳрамонона ибратли ҳаёти содда, халқона тарзда ифодаланади. Унда аждодларнинг баъзан илоҳий хабарлардан ором олган юраклари

садосини эшитсангиз, гоҳ шафқатсиз зўравонлигу зулмлардан оққан кўз ёшларини туясиз. Мухими, аждодлар ўзини ислоҳ қилиш мақсадида узоқ манзилларга отланади ва имон саломатлиги билан муродларига етади. Бир сўз билан айтганда, фольклорда буюк аждодларнинг маънавий ҳаёт тарихини имкон қадар тасаввур қилиш мумкин.

Ҳар бир халқ ўз дунёкарашларининг тажассуми сифатида образ ва тимсоллар яратган. Бундай ҳаққоний тасвир, жонли образлар, айниқса, достонларда яққол намоён бўлади. Халқ достонларида қаҳрамоннинг ғайриоддий дунёга келишидан мақсадига етгунча бўлган воқеалар силсиласи аслида эрлик сафаридир. Эл-юртнинг чинакам мард фарзандлари даврлар эҳтиёжидан туғилган бўлса-да, улар замон, макон чегарасидан кўтарилган мард эр шахсиятлардир. Халқ достонларидаги алп эр, ғайб эранлар, пир каби маънавий ҳомий образларидан тортиб кампир, кал, дев, канизак, чўпон тимсоллари ҳам бир мақсад-муддаога хизмат қилади. Аслида мазкур образлар мададида Ҳақ йўлида ҳаёти кечаётган қаҳрамонларнинг умри тўғри, ҳалол, ниймон билан яшаш учун бир дастурдир.

Бойбўри ва Бойсарининг Шоҳимардон пир равзасида кирқ кун тунаб, "Худонинг яратган шери сиз бўлсангиз, бизлар учун орага тушиб, бирор фарзанд тилаб олиб бермасангиз, бизга пирлигингиз ёлғон [1;10]", дея пирнинг мададида Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлганликлари, фарзандлар дунёга келгач, халқ орасида Шоҳимардон пир номи билан машҳур бўлган Ҳазрати Алининг исм қўйиб, тақдир хукмини баён қилишларидаёқ Ҳакимбекнинг эр мақомига кўтарилишига ишора бор эди. "Агар сенга бир улуғ эрнинг назари тушмас экан, сен ўз вужудингни таний олмайсан", дейилади "Мантиқ ут-тайр"да. Бўлғуси эр Ҳакимбекка Шоҳимардон пир назари тушиши ҳамда ҳаёти давомида унга маънавий ҳамроҳ бўлишида мана шу ҳикмат аён бўлади. Алишер Навоий асарларида "Бешаи тақдир шери шарзаси, Шернинг ондин ҳароси ларзаси" дея эҳтиром кўрсатилган Ҳазрати Али (р.а.) тарихдан бесабаб чумолига ҳам озор етказмаслиги, жанглардаги мардонаворлиги, душманларига нисбатан

ниҳоятда шафқатли, ғамхўр эканлиги, Ҳақнинг шери ва бошлардаги тож дея таъриф этилганлиги бизга маълум.

Халқ оғзаки ижодида назар, назаркардалик истилоҳ даражасига кўтарилган лафздир. Назаркардалик билан дунёга келиш комилликнинг бир белгиси ҳисобланади. Азалдан туркий халқларда бало ёхуд офат соя солиб келганда ўтган азиз авлиёлар руҳини васила қилиб Аллоҳ таолодан паноҳ, мадад сўраш, ихлос билан мукаддас қадамжоларни зиёрат қилиш одатлари мавжуд бўлган. Авлиёлардан мадад сўраш, уларнинг руҳи билан суҳбат қилиш ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шундай ёзадилар: "Шайх ибн Қайюм ўзининг "Рух" китобида таъкидлаган:"Агар вафот этган шайхдан мадад сўралса, унинг Ҳаққа яқин ҳолда, барзахда ҳаёт турган руҳидан сўрайди. Ундан ўзининг ишларида Аллоҳ таолога шафоатчи бўлиб йўлланишини сўрайди. Руҳлар ўз оламида замон ва макон чегараси ила боғланмаган ҳолда ҳаёт кечиради. Шубҳасиз, бу нарса энг хатарли тойиш жойларидан биридир. Буни тўғри англаб етишга ва забт қилишга фақат юксак ақл эгаларигина қодир бўладилар" [9; 272]. Юрт ана шундай таназзул ёқасида турганида Ҳакимбек дунёга келди. Унинг туғилиши икки миллатнинг фаровон келажаги, хотиржам ҳаёт кечириши учун жуда муҳим эди. У Алпинбий бобосидан қолган 14 ботмон ёйни кўтариб Алпомиш номини олади. Асқар тоғнинг энг баланд чўққисини мўлжалга олганлиги алп эрлик камолотининг ибтидоси бўлди, бироқ бу зоҳирий аломат эди, камон воқсасидан кейинги суҳбат 7 ёшли Ҳакимбекнинг арслонкелбат баҳодирлиги баробарида маърифатли қалб эгаси эканлигининг ҳам далили эди. Алпомиш учун сахийлик, аввало, кўнгил саховати, тил ҳиммати, шунингдек, мол-мулк эҳсони. Озми-кўпми қилинишидан қатъий назар булар сахийлик деб номланишини у халқона мисоллар ёрдамида баён қилади. Етти ёшли Ҳакимбекнинг фикр-қарашлари Ҳазрат Навоийнинг: "Бирта ўтмакни икки бўлиб, ярмин бир очға берганни сахий де", эътирофи билан мазмунан яқиндир. Зеро, Аллоҳнинг каломида ҳам: "Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб) ёзилур"

(Анъом:6/160), дея марҳамат қилинади. 7 ёшида Алпомиш диний ҳамда дунёвий илмнинг зукко билимдони бўлиб улгурган эди. Айтмоқчи бўлганимиз, эрлик йўлининг ибтидоси илму ҳикмат ўрганишдан бошланади. Бу эса Аллоҳ таоло амрларидан тўлиқ хабардор бўлишдир.

Халқ оғзаки ижодида инсоният орзу қилган қаҳрамонларига нисбатан Эр ва Эран дейишган:

Ўлмаса, Ёдгор болам Эр етар,
Омон-эсон болам ўлмай Эр етса,
Бойбўрининг юрагидан чер кетар,
Отасин ўрнини Ёдгоржон тутар.
Ота юртим Ёдгор қўзим тебратар,
Ғаним бўлган душманларни бўзлатар,
Отаси Эр эди, Эрдай бўп ўтар,
Отасининг юртин шундай бўп тутар [1;331].

Аввало, етуклик, комилликка интилишнинг сабабу заруриятлари ҳақида мулоҳаза юритсак. Аллоҳ таоло инсонни ҳайвоний ва малаконий хусусиятлар бирлигидан яратди. Бироқ ақл ва қалб билан шарафлантирди. Рух ва нафс, кўнгил ва вужуд қаршилиги юзага чиқади. Бектошийлик тариқатининг асосчиси Хожа Бектоши Валий шундай ёзади: "Кўнгил улуғ бир шаҳардирки,... у шаҳарда икки султон ҳукм сурар. Улардан бири раҳмоний, иккинчиси эса шайтоний. Раҳмоний султоннинг номи ақл, ... иккинчи султон Иблис демакдир. Нафс ҳам шайтоннинг ноибидир" [8; 22-29]. Нафс қанчалик раъйига қаралса, шунчалик қувватланадиган, дунёвий лаззатларга ўч ҳою ҳавасдир. Инсон умри давомида мана шу нафсни тарбиялаш учун кураш олиб бориши керак. Ундан халос бўлмаса-да, имкон кадар уни жиловлаш мумкин. Комиллик шу машаққат билан яшаб, нафсни занжирбанд қилмоқдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) белгилаб берган кам сўзламоқ, кам емоқ, кам ухламоқ ҳикмати нафсни бошқаришнинг асосий усули ҳисобланади. Зотан, буларга амал қилмаслик оқибатида манманлик, дунёпарастлик, ўғрилик, тамагирлик, ҳасад,

бахиллик, мансабпарастлик сингари чиркин иллатлар кўнгилда илдиз отади, қалин ҳижоб бўлиб, инсонни аслиятдан тўсади. Жалолиддин Румий ёзади: "Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Энди қара, ўртадан пардалару коронғуликлар кўтарилса, у нималарни билиб олмайди дейсан" [3;65]. Кўнгилдаги нафсоний ва шайтоний истаклар зулмати кўтарилса, қалб ойдинлашади, рух озодликка эришади. Натижада, жисмонан ва руҳан тоза комил инсон пайдо бўлади. Бу эса ўта машаққатли риёзат. "Элнинг кўрки эр билан, эрнинг кўрки тер билан" сингари халқ мақоллари гуё эр номига эга бўлиш асли машаққат ва сўнгсиз меҳнат маҳсули эканлигига ишора сифатида айтилганга ўхшайди.

Ўзбек халқ достонлари камолот томон олиб борадиган йўл харитаси ҳисобланади. Ва бу шарафли йўлда кетаётган йўлчиларга эр номи берилган. Мана, достонда алп баҳодирларга айтилган мақтов, таърифу тавсифларга эътибор қаратайлик: "Бир зувала ортиқ келган Оллодан", "Ёлғиз ўзи эрдай бўп", "Сен эдинг эрларнинг эри". Алп эрлар сафари маънавий сайру саёҳат, ўз ботини билан юзлашиш, шу сабабли йўл давомида турли кийинчиликларга дуч келинади ва ҳар бир синов орқали эр йигит иродаси тобланиб боради. "Достон қаҳрамони босиб ўтадиган манзил маконларнинг Муродтепа, Аччиққўл, Ойна кўли, Бадбахт тог, Ойдин кўл сингари номланишининг ўзиёқ бу йўлчилик алпнинг маънавий-руҳий сафари эканлигига ишорадир" [7;10]. Бу нафсоний истакларнинг боскичма-боскич кучсизланиб боришига ўхшайди. Жазирама иссиқ қумлоқдаги очлик, ташналик, чарчоқдан бемажол бўлган Кунтуғмиш ўз нафсига маломат қилади:

Йиғламай найлайин қисматим қаттиқ,
Куйсин ўлим барча қулни йиғлатди.
Кўп такаббурлигим бошима етди.
Менга Худо лутфи билан кўрсатди [4,55].

Кунтуғмиш – қалбида ишқ талаби билан кетаётган шаҳзода. Кунтуғмиш ўз феъл-атворини тафтиш қила оладиган, ўзини танийдиган ҳолга эришади. Эрлик сафарида маломат мухим фазилатдир. Ҳар бир амали олдида ўзига ҳисоб бериш, ўзини танишга бўлган талаб нафсни енгишда муҳим саналган. Зеро, Ҳасан Басрий ҳазратлари ҳам: "Яхши одам ўз нафсини маломат қилиб туради, фожир одам нафсини итоб қилмай юраверади", деган эди. Кунтуғмишда Аллоҳ берган азал қисматга розилик, таваккул бор. Бу унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ўй-хаёлларида намоён бўлади. Масалан, Аллоҳ таоло фарзандлар билан сийлаганда Холбека юрагига болаларни тўйдира олмаслик хавотири тушганда Кунтуғмиш унга далда беради. Раззоқ борлигини эслатиб:

Гўдакларни топшир Ҳақнинг ўзига,
Тиш берибди, ризқин берар Худойим [4; 59],

дея таслимият ва ризо билан ўз вазифасига киришади. Энди қаршисига янада машаққатли синов чиқади. Бироқ Парвардигорига бўлган таваккули унда жасорат пайдо қилади. Чашманинг кўзида қўриқчилик қиладиган аждарҳо билан бўлган жангда Кунтуғмиш: "Ўзинг обрўй бергин, қодир Худойим", дея белини таваккул камари билан боғлайди. Бу аждарҳо фоний дунё ноз-неъматларига ҳеч қачон тўймайдиган нафсоний истаклар рамзи, номи ҳам Тўйма, ер бағридан энг тоза сув отилиб чиқадиган чашма кўзида ин қурган. Кунтуғмишнинг аждарҳони енгиши ҳам фақат билакдаги куч билан эмас, иймон-эътиқод собитлиги ва азиз авлиёлар мадади билан рўй беради. Поклик рамзи бўлган сувнинг озод қилиниши ва халқнинг ундан баҳраманд бўлиши каби сфжетлар нафақат халқ оғзаки ижодида, балки кўпгина ёзма адабиёт намуналарида ҳам кузатилади. Айтиш ўринлики, Кунтуғмишнинг музаффарияти ортида маърифатли қалб борлигини англашимиз лозим.

Мосуводай кўкка учдим,
Ажал шаробидан ичдим.
Бу дунё баҳридан кечдим,

Қаландар бўлганим бўлган [4;97].

Энг асосийси, шу воқеадан сўнг Кунтуғмиш эр, деб аталади. Азбархўжа "Э қаландар, баракалла, эр бўлганингга ", дея Кунтуғмишни олқишлайди. Алалхусус, эр номи ёш даражаси билан қўлга киритиладиган мақом эмас, Эр дунё ҳою ҳавасларидан буткул воз кечган, ориф каби асли сувга айланган инсон.

Донишманд халқнинг асл орзу-нияти достонлар интиҳосида очиқ-ойдин юзага чиқади. Мамлакат, юрт ҳавойи иллатлардан фориғ бўлган эр ҳукмдорларга мухтож, шу боис алп қаҳрамонлар босқичма-босқич рухий тарбия пиллапояларидан кўтарилиб, эр номини олгач, халқ раҳбари (раҳнамоси) бўлиб ҳалққа қайтади. Зотан, "Эл ишини эр қилур, Эр қадрини эл билур", "Эл – Эрнинг синчиси", "Эрнинг сўзи – элнинг сўзи", "Эр – элники" [5; 24-25-26] сингари ҳикматли мақоллар бежиз пайдо бўлмаган. Давлат қуши уч марта ҳам Кунтуғмиш бошига қўниши ва унинг тахтга ўтириши, Гўрўғли султоннинг Чортоқли Чамбилда ўз ҳукмронлигини тузиши, Алпомишнинг Ултонтоздан ҳукмронликни тортиб олиши тасодиф эмас. Буларнинг бари унинг эрлик мақомига кўтарилиши, халқнинг раҳнамосига айланишга маънан ҳақли эканлигидандир. Яна бир муҳим масала бор. Достон қаҳрамонининг сафари давомида қиладиган хайрли ишларидан асосийси зулм ва зўравонлик ҳукм сурган ўлкаларга адолат ва фаровонлик олиб бориш, ўша халқнинг лойиқ фарзандини ҳукмдорга айлантириш бўлган. Эътиборлиси шундаки, бу йўлбошчи шахс таърифи эрлик мақтови билан бошланади. "Равшан" достонида "сен эдинг эрларнинг эри" таърифи билан эътироф қилинган Айноқ кал Ширвон элининг ҳақли эгаси эди:

Айноқжон ҳам зўр эди,
Мингга баробар эди.
Илгари ёш вақтида
Қатордаги нор эди [6; 196].

Ёки бўлмаса Алпомиш Қайқубодни Қалмоқ юртининг подшоси қилди. Қайқубод ҳам достондаги муҳим образлардан бири. Алпомиш Чилбир чўлида энг аввал Қайқубод билан кўришади ва оти Бойчиборни унга омонат топширади. Қайқубод чўпон эди, аммо фаҳму фаросатда тенгсиз иймонли инсон эди:

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча,
Йиғласа ҳолига йиғлар бир неча.
Тарзингга қарайман бир лочин шунқор,
Остингга минибсан назари тулпор [1;132].

Қайқубод юрагида муҳаббат ўти бор, дўстга садоқат, ваъдага вафо қилишни биладиган, кибру ҳаво иллатларидан ўзини фориғ айлаган эди. Шу сабабли достонда унинг номи ҳар вақт эр сифати билан ёнма-ён келади. Аён бўладики, халқ, жумладан, адабиёт эр номига комиллик хислатларини сингдирган, бу бир орзу ҳам бўлганки, жамики эр жинси вакиллари одамийликдан айри бўлмасин, чунки эрлар қатъияти устун бўлган миллат ор-номусини ерга урмайди, баркамол авлод тарбиясини асосий ўринга қўяди. Эр Қайқубод Алпомиш синовларидан собитқадам ўтолганидан сўнггина халқ раҳбари бўлишга лойиқ топилди:

Эр Қайқубод бунда даврон суради,
Худонинг тақдири шундай келади.
Шоирлар айтади шундай маърифат,
Таги келган бунга айёми давлат [1;437].

Одамзод ўрганувчи, ҳар бир ишда устоз тарбиясига эҳтиёж сезиши табиий. У хоҳ маиший турмуш ташвишлари бўлсин, хоҳ лойиқ касб-ҳунар эгаллаш асрори бўлсин, бир мураббий йўл-йўриғи муҳим саналади. Ҳаёт моҳияти янги марра, манзилларга интилиб яшашдан иборат экан, умр йўлларидаги паст-баландликлар хусусида мулоҳаза юритадиган адабиёт учун ҳам устоз-шогирдлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Оғзаки адабиёт намуналарида мураббий ва тарбияланувчи ўртасидаги алоқа-муносабатлар ёркин кўрсатиб берилади. Зеро халқ таъбири билан айтганда "Устоз

кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар". "Гўрўғли" достонида Гўрўғли тушидаги ишоратларни англаш учун Эрсари манзилига йўл олади. Эрсари деган манзилда истиқомат қилаётган Сари бобо таҳсилини олиш учун 40 йигити билан отланади:

Эрсарида барча уни билади,
Катта-кичик хизматини қилади.
У туркманга улуғ бобо бўлади,
Сўрасанг, ул берар нишона [2;132].

Достонда Эрсари номига: "Туркманнинг улуғ бобоси Эрсари номига туркманнинг бир бўлагини Эрсари дер эди" [2; 132], дея изоҳ берилади. Биз нутқимизда эран истилоҳини авлиё сўзи билан маънодош ҳолда қўллаймиз. Бироқ эран эр сўзининг кўплиги эканлиги илмда маълум. Бадиий адабиётда эран эр сўзининг кўплик шакли бўлиб келади. Бу ҳолат халқ оғзаки ижодида ҳам яққол кўзга ташланади:

Авлиё, анбиё бўлинг мададкор,
Шоҳизинда, Эр Дониёр, пайғамбар.
Хўжаи Зумрати, Хўжаи Аҳрор,
Бобо якка пирсиз, Эр Хўжамозор [1,412].

Гўрўғли борадиган Эрсари авлиёлар маскани, у айнан шу ерда Сари бобо ва асосан Қора бобо ҳузурида ўз мақсад-муддаосини англайди. Адабиётшунос олима Зулайҳо Раҳмонова шундай ёзади: "Тасаввуфдаги муршид-мурид нинг вазифа моҳиятини ифодаловчи образлар халқ оғзаки ижодида ҳам бор эди. Халқ илоҳиёт билан уйғунлашиб кетган халоскори, тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамосини тариқатдаги сингари бобо, пир, эр, эран каби истилоҳлар билан атади" [7; 12]. Дарҳақиқат, эранлар нафсини тарбия этаётган алпларга руҳий мададкор, йўлбошчидир.

Гўрўғли Бобо Қаландар маконида меҳмон бўлгунича ҳаётнинг паст-баланд синовларидан ўтиб, устозлар ўгитин олиб, "Эрлигимда миним (тенгим) йўқ" дейдиган даражага етган эди. Гўрўғли эрлар сафига кирар экан, маълум маънода унга маънавий раҳнамолик вазифаси ҳам юкланади.

Шу боис Бобо Қаландар назаркарда Ҳасанхонни Гўрўғли тарбиясига топширар экан, шундай дейди:

Хасанхонни обкет, сенга ул бўлар,

Майхонангда соқи – косагул бўлар [2; 174].

Дунёда учта одамга кўринган, дея таърифланган валий Бобо Қаландарнинг майхона, соқи-косагул деганда назарда тутган маърифати адабиётда кундек равшан рамз. Достонларни ўрганиш жараёнида бир ҳақиқатга тўлиқ амин бўлиш мумкин, асосий мақсад-муддао эл-юртни бирлаштириш, халқ ҳаётини фаровон қилиш, келажак авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш бўлган. Улуғ ниятлар ижобати эса ички "мен"ни тарбиялашдан бошланади. Ахлоқ ислоҳининг энг мақбул йўли бор. Бу тасаввуфий ҳаёт тажрибасидан баҳраманд бўлиш, ҳол ўлкасида яшаш саодати муяссар бўлмаса ҳам, шу йўл ҳақиқатларини ўрганиб, феъл-атворига тадбиқ қилиш. Атоқли адабиётшунос устозимиз Иброҳим Ҳаққулнинг тасаввуф ҳақидаги қўйидаги фикрлари халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир қаҳрамон алп қалбига сингган, десак муболаға эмас: "Тасаввуфнинг туб асосида инсон зотига марҳамат, муҳаббат ва хизмат ётади. Тасаввуф манманлик ва сўзбозлик қилишни буткул қоралаб, самимият, ихлос, гўзал хулқ, ҳикмат ва ирфон қувватини шарафлайди" [11;9]. Руҳий ҳаёт ҳақиқатларини билмасдан, ирфоний адабиётдаги рамзу мажозларни тушунмасдан достон қаҳрамонларининг маънавий сафарини тасаввур этиш, соқий, косагул, эран, эр,..... каби образлар ҳақида тўғри ва аниқ таҳлилу талқин қилиш мумкин эмас.

Майхона тасаввуфий истилоҳ сифатида ваҳдат майи ичиладиган, рухоний завқ ҳосил қилинадиган, ботинан покланадиган манзил, у ерда риндлар жам бўлади. Ринд – қўрқмас, ҳур фикрли, зийрак, ҳаётни севувчи инсон образи. Соқий эса риндларнинг маънавий ташналигини қондириб, уларни бир жойга жамловчи, ўз таъсирида ушлаб турувчи муҳим образ. Бу билан достонда майхона, соқий истилоҳлари тўлиқ тасаввуфий мазмун касб этган, дейишдан йироқмиз. Бироқ фольклоршунос олим Жаббор Эшонқулов

таъкидича: "...тасаввуф бизнинг мумтоз адабиётда тўсатдан пайдо бўлиб қолмаган, аксинча, у халқ тафаккурида халқ оғзаки ижоди орқали шаклланган ва маълум фалсафий тус олган. Халққа тасаввуф деган атама номаълум бўлса-да, ўз моҳияти билан унга яқинлашиб қолган қарашлар туркий афсоналарда кўп учрайди" [10;78]. Ҳасанхонга ҳам соқи-косагул таърифнинг берилишида, энг аввало, келажакда унинг солиҳ фарзанд, шунингдек, ҳақиқат, адолат посбони бўлиши, валийлик даражасига етишига ишора бор. Бу башоратнинг руёби Ҳасанхоннинг "Равшан" достонидаги хатти-ҳаракатлари, жасорату мардлиги, бир сўзли, хуллас, озод инсон эканлигида аниқ кўринади. Ҳасанхон – бола тарбиясини ҳаётнинг мазмуни, деб билган ота, жасур валломат. Ўн уч ёшида кучли тайёргарлик билан, ички қўрқувни енгиб, олис ва машаққатли сафарга йўл олган алп эр Равшан исломий илму маърифатни чуқур эгаллаган. У Ҳақ йўлчилигида Аллоҳга таваккули билан азму шижоат кўрсатаётгани аниқ. Бинобарин, Ҳасанхон ҳар бир хайрли ишда, хусусан фарзанд тарбиясида диний эътиқоднинг муҳимлигини аниқ билган ва Равшан қалби илоҳий муҳаббатга тўла бўлган. Ўн тўрт ёшли Равшан дор қаршисида эътиқодидан воз кечиб, тирик қолиш ёки иймон билан ўлим топиш танловига юзма-юз келганда ҳам Ҳасанхон заррача шубҳага бормади. Жайноқ калнинг мард, номардлигини синайлик, деган таклифига жаҳл билан жавоб берди: "Э тентак! Менинг ўғлимнинг остида оти бор, устида тўни бор, буни синайсанми?" [6,185]. Ҳасанхон нима учун Равшаннинг мардлигини от ва тўн воситасида изоҳлаяпти, илми, олган тарбияси, бек авлодидан эканлиги билан эмас. От ва чопон эркакларнинг доимий йўлдоши, ҳар бир алпнинг жон ҳамроҳи тулпори бўлганлиги ҳаммамизга равшан. От миниш ўзига ишонч, жисмоний мукаммаллик, ботирлик белгиси. Чопон кийиш эса соф миллий анъанамиз, тўн ўзбек миллати учун муқаддас рамзга айланиб бўлган. От миниб, устига чопон илган эркак, аждодлар наздида, номард бўлиши ақлга сиғмас эди. Номардликнинг илдизи эса Ҳақни танимаслик ва бўйинсунмаслик, Яратгандан қўрқмаслик жаҳолатидан келиб чиқади. Донишманд халқимиз

иймон-эътиқодсиз кишиларни инсон қаторига қўшмаган, ориятсизликдан номус қилган. Бундай нокас бандаларга эркак номи ҳайф саналган. Достон охиридаги жанг воқеасида ислом нуридан бебаҳра Қорахон қўшини ҳақида "Қўшин кочиб боради, Бир Эр чиқмай Ширвондан" [6;205] дейилишининг асл сабаби ана шунда. Демак, достонлардаги Эр образининг энг асосий белгиси илоҳий маърифатдан баҳрамандлик, аслида, барча эзгу хислатларнинг манбаси ҳам шу эмасми?! Маълумки, туркий тасаввуф адабиётида ошиқ, ориф, соқий, ринд каби етакчи қаҳрамонлар қаторида эр ва эран образлари ҳам келади. Бу орифлик мақоми соҳиблари сафида эр ва эран тимсолларининг пайдо бўлишида, албатта, халқ оғзаки ижодида мазкур образларнинг юксак мавқега эга халқ ҳомийлари эканлиги замин бўлган, десак асло муболаға эмас. Ёзма адабиётнинг бу меросдан ҳамиша таъсирлангани ва илҳомланганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Эр халқ назарида кашфу карометлар эгаси дея тасаввур қилинган. Ҳасанхонга берилган таърифга қарайлик:

Одам эмас парими?
Бу жаҳоннинг зўрими?
Ёвда ё бир бўрими?
Соҳибқирон кўп ўтган,
Ё шуларнинг бирими? [6;204].

Бу саволларга эл тилида муносиб жавоб бор: "Ҳасан юрир шердай бўп, Ёлғиз ўзи эрдай бўп" [6;204].

Бизнинг юртимизда катта тарбия мактаби мавжуд бўлган, ҳар бир оилада фарзандлар аниқ мезон асосида вояга етказилган. Эр киши ўз юртининг муносиб эгаси бўлиши кераклиги уқтирилган. Асл миллий қадриятлар достонларда Эр образи орқали ифодаланган. Ўзбек халқ достонлари мисоли хазина, тўғри яшашни ўргатувчи қомус, нимани изласангиз, барига жавоб топасиз, муҳими, ибратли воқеа-ҳодисалар содда, халқона баён қилинади, самимий, таниш кечинмалар шеърга солинади. Достонлардги энг асосий қаҳрамонларни эр дедик, бу шунчаки ҳис-туйғу